

СОЛЬФЕДЖИО ДАРСИДА АСОСИЙ РИТМИК КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Алим Анварович Беков

Чирчиқ давлат педагогика университети “Муסיқа таълими” кафедраси
ўқитувчиси, Санъатшунослик фанлари номзоди

АННОТАЦИЯ

Маълумки, муסיқа ўқувини тарбиялаш – солфеджио дарсининг бирламчи ва асосий мақсади ҳисобланади. Нотага ёзилган намуналарда қарор топган интонацион жараёнларини, оҳангларнинг ритмик ва баланд-пастлик ўзгаришларини кўзатиш, тез ва тўғри тахлил этиш, бундан кейин уларни овозда “жонлантириш” — солфеджио дарсининг асосий машқлардандир. Ўқувчи (талаба)ларнинг ушбу вазифанинг биринчи босқичи – ритмикасини, оҳангларнинг ритмик хусусиятларни идрок этиб, тўғри талқин этишдир. Чунки, оҳанг – бу муваққат жараёни бўлиб, ушбу жараён тартибини тўғри қабул қилмаган ўқувчи бутун оҳангини ҳам ижро эта олмайди ёки хатоларга йўл қўйяди. Бу камчилик нафақат муסיқа мактаб ўқувчиларда, афсуски кейинги босқич ўқув жараёнида ҳам кўзатилади. Бунинг сабабларидан бири — ўқувчилар солфеджио дарсида нота ўқиш малакаларини ривожлантирмай, кўпинча солфеджио намуналарини ўқитувчи ёки бошқа талабалардан ешитиб, ёд олишга ҳаракат қиладилар. Натижада, солфеджио дарси вокал ёки хор дарсига айланиб, муסיқа уқуви ривожлантиришига алоқаси кам бўлган, ўқитувчи ёрдами билан ёдланган овоз машқларидан ташкил топади. Янги, олдин эшитилмаган, кўрилмаган намуналарини мустақил талқин этиш малакалари эса талабаларда яхши ривожланмайди ва улар ушбу дарсининг асосий мақсадга эришаолмай қолади.

Ушбу мақолада солфеджио дарсларида ритмик кўникмаларни шакллантиришда қўлланиладиган асосий тушунчалар, ва уларни ўргатишда керак буладиган методлар ҳақида сўз боради

Калит сўзлар: солфеджио, ритмик ҳаракатлар, муסיқа машғулоти, нота ўқиш малакаси.

Оҳангни ўқиш кўникмаларидан биринчиси — ритмик тузилмаларни идрок этиш ва тўғри талқин этишдир. Булардан айниқса нуқтали чўзимлар, синкопа, триол, пунктир ритми



каби шакллари маълум даражада ўқувчига тусқинлик қилади. Бу муаммони ечиш учун қуйида кўрсатилган машқлар ёрдам бериш мумкин:

Нота мисоли №1

The image displays musical notation for 'Nota misoli №1'. It consists of three systems. The first system is labeled '3A' and '3B'. The second system is labeled '3C'. Each system has two staves: 'Ovoz' (Vocal) in treble clef and 'Usul' (Accompaniment) in bass clef. The time signature is 2/4. The notation includes various rhythmic patterns and rests.

Ушбу мисолда оҳанг намунаси пентахорд ҳажмида бўлиб, М.Русак таклиф этган машқларга ҳамда А.Агаджановнинг лад ҳисси шаклланишига қаратилган оҳанг ибораларига асосланган. Таъкидлаб ўтиш керакки, дастлабки машқлар кўрсатилган ҳажмидан ортиқ бўлмаслиги керак, пардалар изчиллиги сақрамалардан холи бўлиб, товушлар бирин-кетин келиши жоиз, зеро ўқувчининг асосий аҳамияти оҳанг ривожига ва пардалар топишига эмас, балким ритмик хусусиятларга қаратилган бўлиши зарур. Машқнинг 3 та варианты навбатма-навбат ижро этилади. Шунда биринчисидан ўқувчилар саккизталликлардан иборат раван усул бериб (қарсак ёки столга уриб), иккинчисидан чорак ҳиссаларни белгиллаб, учинчисидан дирижёрлик йўли билан ўлчовни жонли равишда мужассам этади. Биринчи ва иккинчи вариантларида кўшилган усуллар талабада ҳиссалар “пульсация”ни кўргазмалли шаклда ифода этади, усулларни уриш кўшимча вазифаси эса оҳангининг турли чўзимликларни хатосиз санашга асос беради. Яъни, устма уст ёзилган оҳанг ва усул ибораларини бирга ижро этиш талабага нафақат оддий нисбатлари (масалан, чорак ва саккизталликлар), балким нуқтали чўзимликларни тўғри ижро этишга ёрдам беради.

Оҳанг ибораларини усул жўрлигида ижро этиш яна бир йўли:

Нота мисоли №2

The musical score for 'Нота мисоли №2' is presented in four staves. The top staff is for 'Ovoz' (voice) in 3/4 time, starting with a rest followed by a melodic line. The second staff is for 'Usul' (rhythm) in 3/4 time, showing a steady eighth-note pattern. The third staff is for 'M-S.' (melody) in 3/4 time, starting with a rest followed by a melodic line. The fourth staff is for 'Perc.' (percussion) in 3/4 time, showing a steady eighth-note pattern. The score is divided into two systems, with the first system ending at measure 6 and the second starting at measure 6. The first system is marked with a '2.' and the second with a '3.'.

Бунда ритм жўрлиги ўзгариб, биринчи ва учинчи тактларда чораклар ҳисобида ўлчов ҳиссаларни белгиллайди, иккинчи ва тўртинчи тактларда нуқтали чўзимларни ҳисоблашга ва хатосиз этишга ёрдам беради, бешинчи тактда саккизталиқ, чорак ва яримталиқ нисбатларини яққол кўрсатади.

Бошланғич босқичда кўпинча қийинчилик билан идроқ этадиган синкопали ибораларни ҳам ўқувчилар айнан шу шаклда қулай тарзда ўзлаштириш мумкин. Чунки мунтазам такрорланувчи усуллар ўқувчи онгида равшан ритмик “қолипи”ни шакллантиради, ушбу “қолип” таянчига суяниш оҳангидаги ритмик ўзгарувчан жараёнини хатосиз талқин этишга асос бўлади:

нота мисоли №3

The musical score for 'нота мисоли №3' is presented in four staves. The top staff is for 'Ovoz' in 2/4 time, divided into two sections labeled '3A' and '3B'. The second staff is for 'Usul' in 2/4 time, showing a steady eighth-note pattern. The third staff is for 'M-S.' in 2/4 time, starting with a rest followed by a melodic line. The fourth staff is for 'Perc.' in 2/4 time, showing a steady eighth-note pattern. The score is divided into two systems, with the first system ending at measure 8 and the second starting at measure 8. The first system is marked with a '3A' and the second with a '3B'.

Ритмик ҳисси ривожланмаган ўқувчилар бу мисолдаги синкопали тактларни олдин алоҳида, секин суръатда ўрганиб, кейинчалик намунани тўла ижро этишлари мумкин.

Тактаро синкопа ва кечикиб олувчи синкопа айнан бу йўсинда ўрганиш мумкин:

Нота мисоли №4

The musical notation for Example 4 consists of three systems. Each system has two staves: the top staff is for 'Ovoz' (voice) and the bottom staff is for 'Usul' (rhythm). The key signature is one sharp (F#) and the time signature is 3/4. The first system is labeled '4A' and starts at measure 1. The second system is labeled '4B' and starts at measure 6. The third system is labeled '4C' and starts at measure 11. The 'Ovoz' part features a melodic line with eighth and quarter notes, while the 'Usul' part features a rhythmic pattern of eighth notes with accents.

Ўқувчиларда ритмик ҳисси ва кўникмаларни шакллантириш мақсадида уларга махсус ритмик машқларни ҳам тақдим этиш мақсадга мувофиқ. Бунда оҳанг этмасдан, ўқувчи икки қўлда (стол, партага ўриб) ритмик ибораларини айти пайтда баравар ижро этади. Ўнг ва чап қўлидаги турли чўзимлар ва усулларни ўзаро боғлашга ҳаракат қилиб, ўқувчи нукта, лига, пауза, синкопа каби ритмик шаклларни ўзлаштиради:

Нота мисоли №5

The musical notation for Example 5 consists of three systems. Each system has two staves: the top staff is for 'Ўнг қўли' (right hand) and the bottom staff is for 'Чап қўли' (left hand). The key signature is one sharp (F#) and the time signature is 3/4. The first system is labeled '5.' and starts at measure 1. The second system is labeled '6.' and starts at measure 7. The third system is labeled '12' and starts at measure 12. The notation shows rhythmic exercises for both hands, including eighth and quarter notes, rests, and slurs.

Бутун намуналарни ижро этишдан аввал, уларни олдин ҳар бир тактни алоҳида ўзлаштириш мақсадга мувофиқ, чунки машқларда мавжуд бўлган ритмик қийинчиликлар

уларни бирданига бошидан оҳиргача ижро этиш хатоларга олиб келиши мумкин. Иккита ритмик йўлини ажратиш мақсадида пастки овозни очиқ кафти билан, юқори сатрдаги ритми мушти билан чалинади.

Ритмикасини ўзлаштиришига қаратилган яна битта машқ - ритмик диктантдир. Унинг дастлабки намуналари қисқа (1-3 тактдан иборат), абстракт ёки нейтрал характерли эмас балким миллий онгига яқин бўлган мисоллардан тақдим этиши ўқувчиларни қизиқтириб, олдида турган вазифаларни фаол бажаришга жалб этади. Ушбу талабларга ўзбек халқ ўйин-рақс усуллари, мақом туркумидаги усуллар тўла жавоб беради:

Нота мисоли №6

1. Yakka qars 2. Oqsatma 3. Rok 4. Gul o'yin

Usul

5 4A. Gul o'yin jilvani rezi 5. Usul haqqoni

9 6. Yallama 7. Ufori saxta rezi

Бу каби оддий ритмик иборалари ўқитувчининг битта-иккита ижродан кейин гуруҳ томонидан биргаликда чалинади ва тез ёдланади. Кейин, ўлчов, ҳажмини (тактлар микдориди) аниқлаб, дафтарларга ёзилади. Охирида ўқитувчи томонидан тўғри варианты тахтада намойиш этилади, хатолар тушунтирилади ва яна тахтага қараб ижро этилади.

Юқорида берилган турли мисоллар (равон ритмик жўрлигида оҳангларни ижро этиш - №№1-4, икки кўлда ритмик машқларни чалиш - №5, миллий усулларни диктант шаклида ўзлаштириш - №6) ритмик ҳисси, дастлабки ритмик кўникмаларни шакллантиришга қаратилган. Аммо, ҳар бир оҳанг ритмикасини тўғри ва тўла ўзлаштириш – бу оҳангни ижро этишдан олдин бўлган дастлабки босқич, фақат бошланғич машқ деб бўлмайди. Зеро мусиқанинг ўзи, шу жумладан оҳанглар муваққат жараёнида қарор топиб, куйлардаги товуш-пардалари айнан ритмик нисбатлари орқали намоён бўлади. Мусиқанинг барча кўринишларида асосий мезон вазифасини бажариладиган мувозанат

(гармония) дастлаб ритмика (кучли ва кучсиз ҳиссалар ёки узун ва қисқа чўзимлар алмашинув тартиби)да мужассам бўлиб, оҳангдаги поғоналар ўзаро боғланиш тизими (лад) айнан ритм ёрдамида қарор топади.

REFERENCES

1. Русак М.Б. Шесть статей о преподавании музыкально-теоретический дисциплин. Т., 2011
2. Агаджанов А. Курс сольфеджио, выпуск 1 (диатоника). М., «Музыка» 1974, 7-8 бб
3. Доира зарблари. Ўзбекча усуллар тўплами. Ўзбекистон давлат нашриёти, Т., 1952
4. Ўзбек халқ мусиқаси, 5-ж., Т., 1959; Yunus Rajabiy, O'zbek maqomlari. Т., 2007
5. Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2022). O'QITUVCHINING DARS OLIV BORISH JARAYONIDAGI PEDAGOGIK MAHORATI. *E Conference Zone*, 16–19. Retrieved from <http://econferencezone.org/index.php/ecz/article/view/966>
6. Махкамова, Ш. Р., & Асадуллаева, М. А. (2021). БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МУСИҚИЙ ИДРОКИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. *ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES*, 2(3), 1334-1338. DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00546
7. SHOHIDA RAHMATULLAYEVNA MAHKAMOVA Maktab o'quvchilarida musiqa madaniyati darslarining integrallashuvi *SCIENTIFIC PROGRESS* 5-son (pp. 438-443)
8. Доира зарблари. Ўзбекча усуллар тўплами. Ўзбекистон давлат нашриёти, Т., 1952
9. Ўзбек халқ мусиқаси, 5-ж., Т., 1959; Yunus Rajabiy, O'zbek maqomlari. Т., 2007